



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 15 октябрь, № 213 (7443)


Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ҚАРДОШЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг еттинчи саммитида иштирок этиш учун 14 октябрь куни Боку шахрига ташриф буюрди.



Боку, 14 октябрь.

ЎЗА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Боку халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ёқуб Аюбов, Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти ва бошқа расмий шахслар кўтиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашди.

Давлат раҳбарлари ўзаро манфатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиб, бу борада биринчи галдаги вазифаларни белгилаб олдилар.

Мамлакатларимиз етакчи компаниялари ва тадбиркорлари даражасида ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш, шунингдек, sanoat, қишлоқ

хўжалиги, транспорт ва бошқа устувор тармоқларда кооперацияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки томонлама ҳукуматларо комиссия фаолиятини жонлантириш ҳамда Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳудудлари делегацияларининг ўзаро ташрифлари ни таъминлашга келишиб олинди.

Илҳом Алиев Шавкат Мирзиёевни мамлакатимиз Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига қўшилгани билан табриклаб, бу, шубҳасиз, икки томонлама муносабатларни, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга янги суръат бағишлашини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари саммитга тайёргарлик юксак даражада ташкил

этилганини алоҳида таъкидлади ва Озарбайжоннинг ташкилотда муваффақиятли раислик қилишини тилади.

Учрашув якунида Президентлар кўп асрлик дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида интилоқлари қатъий эканини таъкидладилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллоҳшўкур Пошшоюзодани қабул қилди.

Учрашувда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш, конфессиялараро мулоқотни кенгайтириш, таълим ва ёшларнинг маънавий тарбияси масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги халқаро ҳамкорлик даражаси тобора

юксалиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар замонавий хатар ва таҳдидларга қарши самарали курашни, муқаддас ислом динининг соф қадриятлари ва чинакам инсонпарварлик мақсадларини халқаро ҳамжамиятга етказишга хизмат қилиши таъкидланди.

Кавказ мусулмонлари идораси раиси, ўз навбатида, Ўзбекистон Президентининг ислом оламининг бой меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш бўйича ташаббусларини алоҳида эътироф этар экан, бу борада қабул қилинаётган чоралар самарали эканини қайд этди.

Оллоҳшўкур Пошшоюзода мамлакатларимиз ва бутун минтақада тинчлик, тотувлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш йўлида фаол мулоқот ва ҳамкорликни давом этти-

ришга тайёрглигини билдирди. Саммитнинг асосий воқеалари 15 октябрь куни бўлиб ўтди. Туркий кенгашига аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган масалаларни муҳокама қилдилар.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши (Туркий кенгаш) бундан ўн йил аввал — 2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон ва Қозоғистон иштирокида ташкил этилган. Ушбу халқаро ташкилотнинг асосий мақсади туркий тилли давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик, яхши кўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, минтақада ва дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлиكنи таъминлашдан иборат.

Бу йилги саммитнинг ўзига хос томони шундаки, Ўзбекистон биринчи мартаба Туркий кенгашининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этмоқда.

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йил 3 сентябрь куни Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг олтинчи саммитида илк бор фахрий меҳмон сифатида қатнашган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу саммитдаги нутқида Туркий кенгаш доирасидаги алоқаларни ривожлантиришга оид муҳим йўналишларга тўхталиб, Ўзбекистон мазкур халқаро тузилма доирасида ўзаро самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини, унинг келажагига катта умид ва ишонч билан қарашини таъкидлаган эди.

Бу йил Ўзбекистон ушбу ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиш йўлидаги тарихий қадами ташлади. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 14 сентябрь куни "Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битими (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини имзолади. Шу тариқа Ўзбекистон яна бир йирик халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

Бу галги анжуман иқтисодиёт, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга бағишланган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг ташаббусларига мосдир. Умуман, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзолик мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахена протоколига қўшилиши тўғрисида (Монреаль, 2000 йил 29 январь)

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 9 октябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган

Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахена протоколига қўшилсин (Монреаль, 2000 йил 29 январь).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 14 октябрь № УРҚ—569

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Маданий ифодаларнинг турли хил шакллари муҳофазаси қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Конвенцияни (Париж, 2005 йил 20 октябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 30 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда маъқулланган

Маданий ифодаларнинг турли хил шакллари муҳофазаси қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Конвенция (Париж, 2005 йил 20 октябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 14 октябрь № УРҚ—570

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2019 йил 12 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси иши давом эттирилди.

Мажлисида ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(Давоми 2-бетда).

ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Боку шахрида 14 октябрь куни Туркий тилли давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Озарбайжон Республикаси ташқи ишлар вазири Элмар Мамедяров, Туркия ташқи ишлар вазири Мевлют Човушўғли, Қирғизистон ташқи ишлар вазири Чингиз Айдарбеков, Қозоғистон ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди иштирок этди.

Мажлисида, шунингдек, Туркий кенгаш бош қотиби Багдад Амреев, Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири Петер Сийярто қатнашди.

Озарбайжон ташқи ишлар вазири Ўзбекистон делегациясини мамлакатимиз ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилгани билан қўтлади. Ўзбекистон иштирокида Туркий кенгаш ҳам худуд, ҳам салоҳият жиҳатидан нуфузи янада ортиб, халқаро майдонда йирик платформага айлангани таъкидланди.

Шундан сўнг ташқи ишлар вазирлари Туркий кенгаш саммитида давлат раҳбарлари томонидан кўриб чиқилган масалаларни муҳокама қилди. Жумладан, Туркий кенгаш еттинчи саммити декларацияси, Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо бўлиб киришига оид Туркий кенгаш давлат раҳбарларининг

қўшма баёноти, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоевга Туркий кенгашининг фахрий раиси макomini беришга оид қарор ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда ташкилот фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди. Мажлис сўнггида бу борадаги ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни Боку шахрида Туркий тилли давлатлар бизнес форуми бўлиб ўтди. Туркий тилли давлатлар савдо-саноат палаталари уюشمаси томонидан ташкил этилган форумда Ўзбекистон, Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Венгриядан масъул вазирлик ва идоралар, савдо-саноат палаталари раҳбарлари, Туркий кенгашига аъзо давлатлар ишбилармон доираларининг 600 га яқин вакиллари иштирок этди.

Дастлаб жорий йил 5 октябрда Тошкентда ўтган Туркий тилли давлатлар ишбилармонлар кенгаши бизнес форуми ва Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий салоҳиятига бағишланган видеоорлик тақдими бўлиб ўтди.

Юракдаги меҳримсан, Ўзбекистон!



Бу йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасида, хусусан, Фарғона vodiysida меҳмон бўлдим. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек миллати буюк қалбли, меҳрибон ва меҳмондўст халқ эканлигини яна бир бор ҳис қилдим. Бундан жуда ҳам бахтиёрман. Ўзбекистонга келганимда яна ўша соғиниб қолган, ўзбекона табассум аримаган чеҳраларни кўришга муяссар бўлдим.

Дўстлик ришталари

Ҳаётимда биринчи марта Озарбайжон халқининг Умуммиллий лидери Ҳайдар Алиев билан бирга Ўзбекистонга бориб, Тошкент давлат педагогика университети



ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ОДИМЛАРИ

Tashkent City: МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ

"Агар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг". Маҳобатли ва муҳташам Оқсарой пештоқиға битилган ушбу сўзларни бундан етти аср муқаддам соҳибқирон Амир Темура бобомиз айтганди. Зотан, давлатнинг қудрати, элнинг шавкати унинг турмушида зухур бўлиши бор гап. Шу маънода, кейинги уч йилда Ўзбекистонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари буюк аждодимизнинг ўша машҳур таъқида ўлароқ кўз ўнгимизда намоён бўлаётди. Хусусан, пойтахтимиз марказида қад ростлаётган "Tashkent City" мажмуи мамлакатимиз ва халқимиз қудрату шавкати ўзида ифода эта олади, десак, янгилимаган бўламиз.

Глобаллашаётган замон нанки илм-фанда, балки одамлар турмушида ҳам илғорликни тақозо этмоқда. Кимлардир "Ситилар нимага керак?", "Сити кургунча фалон нарсани қилса бўлмайди?" қабилидаги иддаоларни ўртага ташлар экан, бунда ғараз ва хусумат "қулоғи" кўриниб туради. Албатта, бундай носоғлом фикр билан ётиб олиб талашиш — тафаккурли одамнинг юмуши эмас. Қалбида элу юртга муҳаббати бор одам мана шу бунёдкорликдан, албатта, чексиз фахр-ифтихор туйиши, шубҳасиз.



Tashkent City:



МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР ТИМСОЛИ

Юртимиз кўрғига кўрк, юртдошларимиз қалбига чексиз қувонч улашаётган "Tashkent City"нинг 5-лот қисмидан жой олган Конгресс холл ва "Hilton" меҳмонхонаси шу кунларда барча учун ўз эшикларини очди. Айни пайтда бу манзилдан кенг жамоатчилик вакиллари, нурунийлар, ёшлар, фарзандларини етаклаган ота-оналар, хорижлик меҳмонларнинг қадами узилмаяпти.

Хайратга солмай қўймайди

Конгресс холл биноси давлатлараро музокаралар ва учрашувлар ўтказишга мўлжалланган. Бинонинг умумий қурилиш майдони 43 минг квадрат метр. Биринчи қаватда 3,5 минг нафар иштирокчига мўлжалланган 70x70 метр ўлчамдаги катта конференция зали, хорижий давлат раҳбарлари алоҳида ишлаши учун хоналар, музокара заллари, ресторан, кичик концерт зали, учрашувлар ва дам олиш хоналари мавжуд. Иккинчи

қаватда ҳам қўшимча мажлислар учун хоналар жойлашган. Умумий ҳисобда Конгресс холда 16 та зал мавжуд. Яна бир маълумот: ишоот бир вақтнинг ўзига 8 та олий даражадаги делегацияни қабул қилиш имкониятига эга. Қолаверса, асосий зал 4 та кичик ёки 2 та ўртача залга трансформация бўладиган асосий залга эга. Бинонинг қурилиши ва дизайнида ишлатилган ҳар бир деталь эътиборни тортади. Мисол учун, Конгресс холл фойеи

деворлари оникс қимматбаҳо тошлари билан безатилган. Оникс, бу — узидан ёруғлик нуруни ўтказувчи ва қуёш нурида жилланиб турли ранглари ҳосил қилувчи ноёб, қимматбаҳо тошдир. Деворларга Тошкентнинг 12 та тарихий дарвозаси рамзий калитлари жойлаштирилган бўлиб, бу ташриф буюрувчиларни буюк тарихимизга эътибор қаратишга ундайди.



Фотима ая МАНСУРОВА, пенсионер (Мирзо Улуғбек тумани):
— Бу ерга ташриф буюриб, "Наҳотки бу ўзимизнинг Ўзбекистон, наҳотки бу она шахримиз Тошкент" дегимиз. Худди чет элга келиб қолгандекми. Одамлар мароқ билан сайр қилаяпти, роҳатланыпти, завққа тўлаяпти. Юртимизга кўз тегмасин.

Иброҳим БҲРИЕВ, тадбиркор (Олмазор тумани):
— "Tashkent City" — ўйланганимиздан-да, кутганимиздан-да зиёда бўлибди. Пуриқор фавораларга чет элликларнинг ҳам ҳаваси келади. Халқимизнинг кўзида қувонч, кўриб қувнаб кетасан, киши. Ушбу мажмуа шахримизнинг энг сеvimли масканига айланади.

«Халқ сўзи».

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Дунё бренди энди азим Тошкентда

Гап беш юлдузли "Hilton" меҳмонхонаси ҳақида кетмоқда. 21 қаватли ишоотнинг умумий майдони 51 минг квадрат метр бўлиб, жами 258 та номердан иборат. Улардан 8 таси Президент номерлари, 50 таси люкс, 200 таси стандарт хоналардир. Бундан ташқари, меҳмонхонанинг иккинчи қаватида мажлислар зали ҳам ўрин эгаллаган. Европа, Осиё ва миллий таомлар ресторанлари ҳам бор. Қолаверса, бассейн ва спа-салонлари жойлашган. Тошкентда қад кўтарган "Hilton"

дунёнинг 103 та мамлакатда фаолият олиб бораётган 5100 та меҳмонхона тармоғидан тубдан фарқ қилади. Дизайни, сифати, интерьери, умуман олганда, ҳар бир жиҳат эътиборга молик. Айниқса, Президент номерлари барча жиҳати билан юксак маҳорат ва дизайнда бунёд қилинган. Меҳмонхонанинг 21-қаватида давлатимиз раҳбарининг кўрсатмаси асосида очик ресторан вужудга келди. Бу ерда нафақат тамадди қилиш, балки азим Тошкентни, "Tashkent City"нинг 18 гек-

тарлик замонавий паркни томоша қилиш мумкин. Албатта, "Tashkent City"нинг қурилиши тарихий воқеа бўлди. Бу ҳар бир ўзбекистонликни ғурурлантирмоқда. Дунёнинг йирик компания ва фирмаларининг мамлакатимизга сармоя киритишга қизиқиши янада ортапти. Шунингдек, мажмуадаги сайилгоҳ, мароқли ҳордиқ учун яратилган шароитлар ҳар бир ташриф буюрувчининг вақтини мазмунли ўтиши, кўнгли хузур топишига хизмат қилмоқда.

Молия муассасаларида ХАЛҚ БАНКИ КЕКСАЛАРГА БИР ҚАТОР ҚУЛАЙЛИКЛАР ТАҚДИМ ЭТМОҚДА

Бугун банклар ўз маблағ ва хизматлари орқали одамлар орасига чуқур кириб бормоқда. Шу кунларда акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан пенсия ва нафақа олувчиларга қўшимча имтиёз тақдим этилаётгани фикримиз тасдиғидир.



Гап шундаки, мазкур молия муассаси томонидан пенсионер ва нафақа олувчиларнинг пенсия картасидаги қолдиқ маблағига йиллик 8 фоиз миқдорда устама ҳақи тўланадиган бўлди. Шу пайтгача бундай устама миқдори 4 фоизни ташкил этарди. Бу ҳам кекса авлод вакиллари учун қўшимча қулайлик, албатта.



Аксарият қарияларимиз Халқ банкни пенсия ва нафақа тарқатувчи муассаса сифатида билишади. Аслида эса ундай эмас. Банкинг айнан нурунийлар учун мўлжалланган хизматлари талайгина. Шулардан яна бири — пенсионер ва нафақа олувчиларга овердрафт карточка орқали кредит ажратиш хизмати. Мазкур маблағ пенсия миқдорининг 50 фоизидан, базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баробаридан ошмаган миқдорда қисқа муддатга берилади.

Ушбу кредит 12 ой муддатга ойлик 1,33 фоиз миқдорда белгиланган. Шу билан бирга, пенсия овердрафт кредит карточкасида Халқ банкнинг банкоматлари ва кассаларидан нақд пул олишда комиссия тўлови ўндирилмайд.

Реклама ўрнида

Тўққиз ойда 17 триллион сўмдан ортиқ пенсия тарқатилди

Қайд этиш жоизки, пенсия ва нафақаларни тарқатишда молия муассаси томонидан дислокация (махсус жойлар) ва тарқатиш кунлари бўйича жадваллар ишлаб чиқилгани айни муддао бўлмоқда. Яъни айни пайтда республикамизнинг туман (шаҳар)ларидаги 9 мингга яқин маҳалла, овул фуқаролар йиғинларида белгиланган жадвалга мувофиқ, жами 3 миллион нафардан ортиқ пенсионерларга бир ойда 2 триллион сўмдан ортиқ пенсия ва нафақалар ҳар ойнинг йигирма еттинчи санасига қадар тарқатилмоқда.

"Damas" ва 11 та "УА3-Хантер" автомашиналари сотиб олинди, филиал эҳтиёжларига қараб ҳудудларга етказилди. Жумладан, "УА3-Хантер"лардан тоғли ва чўл ҳудудларида фойдаланилмоқда. Ишни самарали ташкил этиш учун борча автомашина масофадан кузатиб турувчи қурилма билан жиҳозланган.

Бундан ташқари, ногирон ва мустақил ҳаракатланиш имкониятига эга бўлмаган 700 мингга яқин фуқароларга 484,2 миллиард сўм миқдорда пенсия ва нафақа тўловлари ҳар ойнинг бошида беvosита улар яшайдиган манзилларга етказилади. Бунда Халқ банкнинг 189 та филиалида пенсия ва нафақа пуллари тарқатиш бўйича жами 2 000 га яқин сайёр кассалар ташкил қилиниб, 4 000 нафар кассир ва бухгалтер-назоратчи штат бирликлари очилгани қўл келмоқда.

Қолаверса, ҳар бир сайёр касса бухгалтер-назоратчи ходими планшет билан таъминланган. Бу эса пенсия ва нафақа тўловларининг онлайн режимида ҳисобини юритиш, тўлов қайдномаларидан пенсионерларни тезроқ излаб топиш имконини яратмоқда. Пировардида жорий йилнинг 9 ойда 17 триллион 53,1 миллиард сўм пенсия маблағлари ўз эгаларига белгиланган муддатларда берилди. Фуқароларга пенсия маблағлари тарқатилиши жараёнида юзага келадиган муаммо ва тушунмовчиликларни бартараф этиш учун эса "1106" қисқа рақамли "Ишонч телефони" ҳам ишлаб турибди.

Шунингдек, банк томонидан 590 та

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва қуйидаги махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).
Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Гилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар

SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар

Тақлиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзғариш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. **Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.**
(Мўлжал: «Турон» автосалони). www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Махсулотлар сертификатланган.

«TOW Co., Ltd» қўшма корхонаси
махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади.

www.uztow.com

«Universal Services of Central Asia»
хорижий корхонаси эҳтиёт қисмлар таъминоти ва сервис хизматларини кўрсатади.

Манзил: 100099, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод кўчаси, 87-уй.
Тел.: 71-200-00-27 /28.
E-mail: doosansales@uztow.com

Махсулотлар сертификатланган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзosi, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Бахтиёр Генжамуродга отаси

Алламберган ГЕНЖАМУРАТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 45 962 нусхадан босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади.

Газетанинг эътибор берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

ISSN 2010-8788

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳих — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.50 Тошпирилди — 01.30 1 2 3 4 5 6